

## СОМЕРСЕТ МОЕМ АСАРЛАРИДА ИНСОН РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

**Махбуба Фирдавсиевна Аширова**

Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси

[mfashirova@gmail.com](mailto:mfashirova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола инглиз адабиётининг ёрқин вакилларида бири Сомерсет Моемнинг “Театр” асарини реалистик асар сифатида талқин қилади. Бунда ёзувчининг образлар психологиясини яратиши ва жамият масалаларининг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Сомерсет Моем, инглиз адабиёти, реализм адабиёти, образ, жамият, руҳият, ўзаро алоқадорлик.

### ABSTRACT

This article interprets "Theatre" by Somerset Maugham, one of the brightest representatives of English literature, as a realistic work. In this, the writer's creation of the psychology of images and the interrelationship of social issues are studied.

**Keywords:** Somerset Maugham, English literature, literary realism, image, society, spirit.

### КИРИШ

Сомерсет Моем ўзбек ўқувчиларига анча таниш, асарлари китобхонлар томонидан алоҳида эътибор билан ўқиладиган ижодкорлар сирасидадир. Унинг Муҳиддин Омон хизмати билан ўзбек ўқувчиларига тақдим этилган “Театр” асари ҳақида ҳам шу каби мулоҳаза қилса арзийди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX аср биринчи чораги инглиз жамияти, хусусан, театри хусусида сўз юритувчи ушбу адабий намуна таржимоннинг юксак маҳорати туфайли ўқувчига ёрқин тасаввур бера олади. Ҳар бир лаҳзасида яшаши учун имконият ярата олади.

Асар бир қарашда Стендалнинг “Қизил ва қора”си, Ги де Мопассаннинг “Азизим” каби руҳдаги асарларга муқаяса



қилинса бўладигандек. Ҳатто асарнинг баъзи воқеалари ҳам Францияда содир бўлиб ўтади.

Бироқ асарнинг ўзига хос жозибаси буларнинг барчасини парда ортида қолдиради. Асарда ҳар бир қаҳрамоннинг руҳиятини очилиши, уларнинг ҳаракат траекторияси шундай аниқ чизилганки, кузатувчи уларнинг ҳар бирини ҳаётида яшаш имконига эга бўлади, тушунишга ҳаракат қилади.

## НАТИЖАЛАР

Роман бош қаҳрамони Жулиянинг тақдири характери ички кечинмалари, руҳий изтироблари, инсонга хос ожизликлария хатолари билан рўй-рост тасвирланиши уни яна ҳам теранроқ англашга, унинг кечинмаларини юқумлилига сабаб бўлади.

Инсон борки, мудом унинг ўнг ва чап елкасида фаришта ва шайтон баҳси кечади. Инсоннинг қай томонга оғиши, унинг ҳаётини оқ ва қора ранглар орасида жилвалантиради. Бу ҳукм ҳеч бир тақдирнинг четлаб ўтган эмас.

Ёзувчининг маҳорати эса ана шу англамларни ўқувчига тирик тасвир билан тақдим эта олганида кўринади. Ва бунда таржимоннинг хизматлари ўрни келганда ёзувчиникидан ҳам юқорироқ туришини алоҳида таъкидлаш яна ҳам тўғрироқ бўлади, назаримизда.

Жулия ҳар бир инсон ўрнида мумкин бўлган, табиат томонидан иқтидор ато этилган театр актрисаси... Унинг ҳаётининг динамикасига қаралса, оддий оила ўрта табақадан чиққан актриса. Унинг ҳаёт йўли кечинмалари, руҳий оламининг баёни асар воқеаларининг асосини ташкил қилади.

Ҳар бир вазиятда “ўз роли”ни маҳорат билан ижро эта оладиган Жулиянинг ўғли билан суҳбати унга ҳаётни яна бир бор таҳлил қилишга, яшашганларини сарҳисоб қилишга даъват этади. Ва натижа Шекспирнинг хулосаларини беради: ҳаёт асли театр, унда ҳар биримиз актёрлармиз. Шунингдек, театр сахнасидаги ижро унинг кўчирмаси холос. У яшадикларимизнинг акси бўлди, дунёга келади деган хулосаларни беради.

## МУҲОКАМА

Асарнинг ҳар бир қаҳрамонини руҳиятини шу каби таҳлил қилиши мумкин. Биз асарнинг таҳлилга тортишда ёзувчининг руҳий дунёси билан қизиқсак яна-да илдамроқ



мақсадга етган бўламиз, назаримизда. Агар Сомерсет Моем шахсияти билан қизиқилса, унинг табиатида ёзувчиликдан ҳам кўра кўпроқ ўз туйғуларини қоғозга кўчириш орқали ўзини енгил ҳис қиладиган инсонни кўришимиз мумкин: “Асар ёзиш бошданок мен учун табиий ҳол бўлган, (ўрдак учун сувда сузиш табиий ҳол бўлганидай). Мен ёзувчи бўлганимга халиям ажабланаман. Бунга кучли иштиёқдан бўлак ҳеч қандай сабаб бўлмаган. Менда бу мойиллик қандай пайдо бўлди, тушунолмаيمان. Менинг аждодларим юз йилдан ортиқ вақт давомида ҳуқуқшунос бўлишган... Ёзувчилик борасида мактаб кўрмаганман. Яқинда дастлаб ёзган ҳикояларимни кўриб чиқдим. Менда туғма қобилият бўлганми, йўқми, шуни билмоқчийдим. Ҳикоялар оҳангида кибр сезилиб турибди. Бу – гўрликнинг оқибати. Ифодадаги ғижиниш эса бадфеълликдандир. Мен фикрни ифодалаш тарзини назарда тутаяпман. Ўйлайманки, услубдаги аниқлик, диалогларни ўз ўрнида ишлатиш бошданок қўлимдан келган”.

## ХУЛОСА

Шунингдек, ёзувчилар ижоди ҳақида ўз қарашларини билдирар экан, Жонатан Свифтни алоҳида этироф этади. Уни бенусон дея таърифлайди.

Кўринадикки, қайсидир жиҳатдан уни ўзи учун мактаб дея қабул қилади. Шу каби Сомерсет Моэм ҳам қаҳрамонлар тасвирини бераётганда, унинг ички олами ва портретини чизаётганда ёрқин чиқзиқлардан фойдаланади ва шу орқали ўқувчида катта таассурот уйғота олади.

Гарчи у ўз эсталикларидида тўқима ёзиш қулайроқ эканлигини эътироф этсада, ёзувчи тасвирлаган замон ва макон унинг реал ҳаётидан унча узокда тасвирланмайди. Бу ҳам муайян маънода асарнинг жонлилигини таъминлашга хизмат қила олади.

## REFERENCES

1. Моэм Сомерсет (2020). Театр. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 436 б.
2. Ёзувчининг иқдорлари. Таниқли ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес билан суҳбат // Рўзиев А. Таржимаси, Хуррият газетаси-2012-йил, № 5
3. Қуронов Дилмурод (2012). “Қалбларни ларзага солган ҳиргойи” // Хуррият газетаси, № 8.
4. Норматов Умарали (2021). “Беназир истеъдод соҳиби”. – Тошкент “Ўзбекистон”.



5. Хасанова Л. (2021). Ўзбек адабиётшунослигида образ ва тимсол тушунчасига оид баъзи мулоҳазалар. “Til ta’limining ta’minlashda innovatsion texnologiyalar” respublika onlayn ilmiy-amaliy konfensiyasiya, 273-277 b.

6. Аширова М., Хасанова Л. (2022). Антуан де Сент Экзюпери “Кичкина Шаҳзода” асари–мажозий эртак. Развитие лингвистики и литературоведения и образовательных технологий в эпоху глобализации, – С 176-178.

